

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ


Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 47 (10.352)

2005 ЙИЛ 10 МАРТ

Юртимизда гўзаллик ва покизалик рамзи бўлиши сулув келинчак— Баҳоройнинг хуш насимлари бўй таратмоқда. Қишининг мудроқ уйқусидан кўз очишга чоғланган куртаклар ниш уриб, ариқларда зилло сувлар шилдираб, чучмомаю бойчакнинг хушбўйлари уйғониш, яратиш, яшнатиш айёмининг ташрифидан дарак бермоқда. Яхшилиқ, меҳр-муруват, янгилиниш ва инсонга эътибор айёми — Наврўз байрами ҳам тобора яқинлашиб барчани эзгулик ва оқибат сари чорламоқда.



XXI саҳоси
Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Кеча Тошкентдаги «Наврўз» савдо-ишлаб чиқариш мажмуасида ошпазлар, қандолатчилар ва официантларнинг республика кўрик-танлови иш бошлади. Танлов голибларига ташкилий кўмитанинг махсус совринлари, сертификат ва дипломлари топширилди.
- Самарқанд халқаро аэропортида замонавий таъмирланган ва барча зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланган «Соғлиқни сақлаш» бўлими фойдаланишга топширилди.
- Ташқи иқтисодий алоқалар бошқармасининг Қашқадарё вилоят бўлими қошида Экспорт маркази фаолият кўрсата бошлади. Вилоят экспортида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасини ошириш ушбу марказнинг асосий вазифаси ҳисобланади.
- Сурхондарё вилояти, Денов туманида ўтказилган бўш иш ўринларининг бу йилги илк ярмаркаси ноанъанавий тарзда ташкил этилди. Яъни у меҳнат биржасида эмас, «Ҳазорбоғ» ширкат хўжалигидаги Таслой маҳалласида бўлди. Ярмарка натижасида 200 нафар ўсмирлар ва қизлар ишга йўлланма олди.
- Андижон вилоятидаги аҳоли жипси яшовчи Ахтчи қишлоғи ҳудудида туркиялик инвесторлар билан ҳамкорликда «Шериклар» кўшма корхонаси ташкил этилди. Бу ерда ўн турдаги сунъий палослар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.
- Бухорода аёллар ўртасида баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи тур ўйинлари бошланди.

ПОЙТАХТНИНГ
бир кўни
Янгиликлар, воқеалар

- **Кўсқа** *Кўсқалар*
- **БУГУН** «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида фаолият юритаётган «Оила ва никоҳ маросимлари» маркази қошидаги «Ёш оила қурувчилар» мактабининг навбатдаги ўқув машғулотли ўтказилди.
- **БУГУН** Сергели туманидаги 284-мактабда мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ўртасида уюштирилган тадбир Сихат-саломатлик йилига бағишланди.
- **СОБИР** Раҳимов туманидаги «Хувайдо» ресторанида туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Аёл борки, олам мунавар» деб номланди.
- **МИРОБОД** туманидаги «Ўзбекистон» маҳалла гузаридида фаол аёллар иштирокида бўлиб ўтган тадбир туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан уюштирилди.
- **АКМАЛ** Икромов туманидаги 387-боғчада «Онам билан олам мунавар» мавзусида уюштирилган тадбирда тарбияланувчилар, тарбиячилар ҳамда ота-оналар иштирок этишди.
- **БЕКТЕМИР** туманидаги «Астрообод» гузаридида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликларида «Азизам, лобарим, мунисам — аёл» мавзусида ўтказилган тадбирда туманнинг фаол аёллари иштирок этишди.
- **ЙОНУСОБОД** туманидаги «Куллул-кўрғон» маҳалласида маҳалла хотин-қизлар комиссияси ташаббуси билан уюштирилган тадбирда маҳаллада истиқомат қилаётган фариш аёлларга эсдалик совғалари тухфа этилди.
- **БУГУН** Алишер Навоий номидаги Санъат саройида мухлислар эътиборига «Меҳрибонгинам» ҳамда «Муҳаббатимсан» фильмлари намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
муҳрибонларимиз хабарларидан.

БАЙРАМ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида хотин-қизлар байрамига бағишланган «Аёл. Маъбуда. Илҳом париси» номли кўргазма очилди. Унда тасвирий санъатнинг рангтаъсир, графика, ҳайкалтарошлик, кулолчилик каби турлари бўйича 150 та асар намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг биринчи бўлимидан Шамсирўй Ҳасанова, Зарифа Саидносирова, Елена Коровай сингари Ўзбекистоннинг биринчи мусаввир аёлларининг асарлари ўрин олган. Бу суратлар улкан тарихий мерос сифатида фақат музейлар ва шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

Иккинчи бўлим замондошларимизга

бағишланган бўлиб, унда Лайло Салимжонова, Римма Гаглоева, Флориди Гамбарова ҳамда ёш рассомларнинг ишлари намойиш этилган.

Кўргазманинг учинчи бўлими «Эр-каклар аёллар ҳақида» деб аталган. Бу барча аёллар - оналар, қизлар ва рафиқаларга бағишланган ўзига хос маҳдиядир.

ЎЗБЕКИСТОН ДУРДОНАЛАРИ

Мустақилликка эришганидан сўнг янгилиниш ва тикланиш йўлидан бораётган мамлакатимизга бутун дунёда қизиқниш тобора ортиб бормоқда. Республикамизга ҳар йили минглаб сайёҳлар ташриф буорлади ва қадим усталар яратган ноёб ёдгорликлар, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъана ва удумлар, мамлакатнинг бугунги кўни билан танишад.

Бунда уларга «Шарқ» наприёт-матбаа акционерлик компанияси томонидан инглиз ва рус тилларида чоп этилган янги, чиройли безатилган «Ўзбекистоннинг сайёҳлик дурдоналари» альбоми яқиндан ёрдам бериши тайин. Альбом муаллифи - тарих фанлари номзоди Рустам Мирзаев мамлакатимиз ҳудудидаги кўпгина диққатга сазовор жойлар, Буюк Ипак йўлининг бебаҳо мероси ҳисобланган турли даврларнинг тарихий-мёморий ёдгорликлари ҳақида қизиқарли тарзда ҳикоя қилади.

Қадимда бу ерда Шарқ ва Фарб цивилизацияларини боғлаган қитъалараро

карвон йўллари кесилган. Наинки савдо-сотик ривож топган, балки гоёлар, маданиятлар, анъаналар, удумлар, динлар, ҳунармандчилик ва технологияларнинг ўзаро таъсирлашуви жараёни кечган. Маҳаббатли саройлар, мақбаралар, миноралар, ноёб археологик ёдгорликлар бунинг яққол далилидир. Уларнинг кўпчилиги бутун умуминсоний қадриятлар хазинасидан жой олган. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива тарихий марказлари эса ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Замонавий ўзбек усталари қадим анъаналарни асраб-авайлаб, миллий

ҳунармандчилик - гилам тўқиш ва каштачилик, ўймакорлик ва наққошлик, кулолчилик ва бошқа ҳунарларни ривожлантирмоқда. Альбомда буларнинг барчаси ҳақида маълумот берилган. У Ўзбекистоннинг бир кунда ҳам саҳрода, ҳам қорли чўққилларда бўлиш, ҳам анвойи гуллар ҳидидан роҳатланиш имкони мавжуд бетақрор табиати билан ҳам таништиради. Муаллифнинг мамлакатимиз турли ҳудудларига сафарлари чоғида олинган 100 дан ортиқ ёрқин фотосурат матнлар мазмунини тейранроқ англашда қўл келади.

ЎЗА

Иқтисодиёт

**МИЖОЗЛАРИНИ
МАМНУН
ЭТИШМОҚДА**

Ҳаётимизни транспорт- сиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, мустақиллик йилларида ойдин, равон йўлларимизда ҳаракатланаётган ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ҳамда хорижда тайёрланган энг машҳур автомобиль фирмаларининг автоуловлари шаҳримиз кўрвига жуда монандир.

Мазкур транспорт воситаларининг экологик мувозанатни сақлаш борасида маҳаллий хом ашё — пропан газ ёрдамида ҳаракатланиши давр талабига айлиниб бормоқда. Шу боис ҳам пойтахтимизда ўтган йили ўз фаолиятини бошлаган "INTERMOBILGAZ" масъулияти чекланган жамияти жамоасининг бу борадаги саёй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ.

Бензин танқислиги муаммосининг қулай ечимни ҳисобланган маҳаллий газнинг ҳозирги кундаги каттагина захираси — мавжуд метан ҳамда пропан газларидан унумли фойдаланишни тақозо этмоқдаки, мазкур жамият аъзолари буни тадбиркорлик билан тўғри англади.

Ҳозирги кунда 20 нафарга яқин касбига меҳр қўйган жамоа ахли ўз соҳаларида ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Яъни, улар Италия давлатининг жаҳонга машҳур MTM srl компаниясининг эксклюзив дилери сифатида BRC-BRC GAZ Equipment савдо ёрлиги билан автомашиналарга газбаллон ускуналарини ўрнатиш, монтаж қилиш ҳамда газ қуйиш шохобчаларидаги фаолият билан шуғулланишни ўз зиммаларига олишган.

Мазкур компания маҳсулотларининг сифати, рақобатбардорлиги, харидоргарлиги ҳамда дилерлик тармоқларининг ниҳоятда кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Мухими, жамият аъзолари мазкур соҳада атиги 1 йил иш олиб боришларига қарамай, бугунги кунда кўплаб домий мижозларига эга. Улар қаторида Тошкент вилояти ҳокимлиги, Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги, Давлат мулк кўмитасининг вилоят бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ банки, Асака банк, Бизнес банк, Тадбиркор банк, Турон банк, "Jarkurgonneftqaztaminlash" қўшма корхонаси ҳамда бошқа ташкилот ва корхоналар борки, мижозлар сафининг кенгайиб бораётганлиги, жамият аъзоларининг танлаган йўллари тўғрилигидан далолат ҳисобланади.

Буюртмачиларга жамоа ахли — моҳир усталар завод тайёрловчининг техник талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда газ баллон ускуналарини ўрнатиш, автомашинанинг ўзигагина хос бўлган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қайта жиҳозлаш (яъни, редукторлар, электроника, баллонлар) ишларини амалга оширмоқда, бундан ташқари, техник хизмат кўрсатиш юмушларини ҳам бажарилади. Мухими эса жамият аъзолари 6 ойлик кафолат билан ишлаб, мижозларни мамнун этишмоқда.

**Мухаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА**

— Фазлиддин Хайриевич, банк соҳаси мутахассиси сифатида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида тушунтириш берсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда уй-жой қурилишига ипотека кредитлари бериш механизмининг қонуний базасини такомиллаштириш ва ушбу соҳани банк кредитлари билан молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтиришни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

Унинг асосий мазмун ва моҳияти республикамиз аҳолисининг шинам уй-жойларга бўлган эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ қондириш, уй-жой қурилишини айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш ва унинг учун имтиёзли узоқ муддатга кредитлар беришда тижорат банклари иштирокини рағбатлантиришга қаратилгандир.

Ана шу мақсадга эришиш учун уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатга тижорат банклари кредитлари беришни ривожлантиришни таъминлаш мақсадида республикада фаолият кўрсатаётган йирик "Ўзуйжойжамгармабанк" ва "Замин" банки негизида "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкнинг ташкил этилишига асос солинди. Шу билан бирга, мамлакатда ипотека соҳаси ривожланишининг қонуний базасини такомиллаштириш мақсадида "Ипотека ва уй-жой қурилишига ипотека кредити бериш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

— Ипотека кредитлари қанча муддатга берилди ва фойз тўловлари бўйича тўланадиган ҳақ миқдори қандай белгиланади? Агар ипотека кредитлари узоқ муддатларга бериладиган бўлса унинг

асосий манбаалари масаласи қандай ҳал этилади?

— Ипотека кредитлари асосан узоқ муддатли ва паст фойз тўловлари тамойилларига асосланган бўлиши зарурлиги амалиётдан маълум. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ри-

лари, имтиёзли узоқ муддатли кредитлари ва инвестициялари, шунингдек, республика давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.

— Маълумки, ўз хусусиятига кўра, банк фаолияти таваккалчиликлардан иборат бўлиб, шу боис ҳам кредитларнинг

низом ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб берилган. Ишлаб чиқиши кўзда тутилган низомада ипотека соҳаси бўйича зарур бўлган барча тадбирлар ўз аксини тўлиқ топади.

— Ипотека кредитлари республикада фаолият юритаётган бошқа тижорат банклари томонидан ҳам берилиши мумкинми?

— Уринли савол бердингиз. Эътибор берган бўлсангиз, юқоридаги Қарорда республикада фаолият юритаётган бошқа тижорат банклари томонидан ипотека соҳасига кредитлар берилишини чеклаш кўзда тутилмаган, аксинча аҳолига уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этишни рағбатлантириш мақсадида бошқа тижорат банклари ҳам "Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш Жамгармаси" томонидан уй-жой қурилишини қўллаб-қувватлаш учун кредит линиялари очилиши мумкинлиги белгилаб берилган.

Бундан ташқари, Қарор асосида тижорат банклари ипотекага кўйилган мол-мулкни сотишдан ва берилган ипотека кредитларидан олинган даромади 2010 йилнинг 1 январига қадар (фойда) солиғидан озод этилди. Бу эса ўз навбатида, қарор асосида ипотека соҳасини кредитлаш Дастурида барча тижорат банклари иштирокини қўллаб-қувватлашни амалий рағбатлантиради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қароридан белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши фақатгина республика аҳолисининг уй-жойга бўлган талабларини қондириб қолмасдан, банк тизими фаолиятини тубдан янги босқичга кўтариш ва республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришда уларнинг иштирокини янада кенгайтиради.

**Шарифа ИЛЁСОВА
суҳбатлади.**

Дарғаб навбуда

ШИНАМ УЙ-ЖОЙЛАР

Маълумки, яқинда аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ қондириш, республиканинг кичик шаҳар ва қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этишни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Ушбу қарор ва унинг аҳамияти хусусида Республика Марказий банки департаменти директори Фазлиддин БОҚИЕВга бир нечта саволлар билан мурожаат этдик:

вожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қароридан республикада тижорат банклари томонидан бериладиган ипотека кредитларининг муддати икки йиллик имтиёзли давр билан камида 15 йил бўлиб, бериладиган кредит бўйича олинадиган фойз ставка йилга кўпи билан 5 фойз бўлиши аниқ белгилаб берилган.

Агарда ипотека кредитлари манбааларини шакллантириш хусусида тўхталадиган бўлсак, мазкур Қарорда "Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш Жамгармаси"ни ташкил қилиш кўзда тутилган бўлиб, уй-жой қурилишини қўллаб-қувватлаш учун кредит ресурслари ушбу Жамгармадан "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат банкига шартнома асосида очилган кредит линиялари маблағлари ҳисобидан берилиши кўзда тутилган.

Ўз навбатида, "Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш Жамгармаси" маблағлари эса асосан маҳаллий ва хорижий молиявий институтларнинг грант-

қайтмаслик хавфини камайтириш мақсадида амалиётда банк кредитлари учун гаров талаб этилади. Шундай экан, ипотека соҳасини кредитлаш учун гаров масаласи қандай ҳал этилади?

— Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, қарорда берилётган кредитларга гаров сифатида Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, қурилаган уй-жой бинолари, иншоотлари, тугалланмаган қурилиш объектилари жойлашган ер участкаси ҳисобга олиниши белгилаб берилган.

Бундан ташқари, ипотека кредитлари ажратишнинг пухта ва очик-ошқора механизми, кредит тўланмаган тақдирда низоларни ҳал этиш, мулкчилик ҳуқуқининг ўтиши ва уйдан кўчириш, кредиторларнинг зарарларини кафолатли қоплаш ва бошқа масалаларни назарда тутган ҳолда уй-жой қурилиши, турар жойларни реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ипотека кредити бериш тўғрисида алоҳида

Шаҳримизда фаолият юритаётган "Монарх ТМІ" корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган кетчуп ва майонезлар ўзининг унутилмас таъми ва мазаси билан миллионлаб кишилар баҳосиз сазовор бўлган. Бу корхона маҳсулотлари МДХ мамлакатлари истеъмолчиларига ҳам ниҳоятда таниш.

**КОРХОНАГА
"ОЛТИН СИФАТ" СОВРИНИ**

Корхона тарихига қисқача назар ташладиган бўлсак, "Lenwex LLC" компанияси АҚШнинг Луизиана штатида ташкил этилган. Ушбу компания "Монарх" савдо белгиси билан фаолият юритган ва компания муассасаси "Монарх ТМІ" хусусий фирмаси номи билан Ўзбекистонда ҳам иш юрита бошлади.

1997 йил "Монарх ТМІ" компаниясининг маҳсулотлари илк маротаба Ўзбекистон бозорига сотувга чиқарилиди. Ҳозирги кунда ушбу корхона майонез ва кетчуплар ишлаб чиқарувчи республикамиздаги энг катта корхоналардан саналади.

Корхонада тайёрланувчи маҳсулотлар Республика миллий сертификатлаш тизими томонидан сертификатланган бўлиб, юқори технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган кетчуп ва майонезлар экологик тоза ва узоқ сақланиш муддатига эга.

Бугунги кунда корхонада 9 турдаги кетчуп ва майонезлар ишлаб чиқарилмоқда. Тайёрланаётган бар бир маҳсулот ўзгача таъми, тайёрланиш жараёни билан бир-бирдан фарқ қилади. Эко-

логик тоза хом ашёдан тайёрланган, ёғ ва зарур моддалар таркибиде бўлган ушбу маҳсулотлар инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали. Ҳозирги кунда "Монарх ТМІ" мустаҳкам ривожланиб бораётган корхоналардандир. Корхона маҳсулотлари Ўзбекистон бозоридан ташқари МДХ ва Ўрта Осиё ҳудудидаги давлатларга ҳам етказиб берилмоқда. Айни пайтда "Монарх ТМІ" ходимлари магистрал линиялар ёрдамида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришмоқдалар.

Хусусий корхонанинг асосий ангилликларидан бири эндиликда майонез ва кетчуплар шиша идишларда қадоқланмоқда. Корхона маҳсулотлари чет эл ва Россия компанияларида тайёрланган маҳсулотлардан асло қолишмайди, сифати ва арзон нархи билан улардан устунликка ҳам эга.

Ўтган йил бошида компания Халқаро конвенция томонидан "Сифат ва технологиялари учун Европа пештоқи" ва "Олтин сифат" совринига сазовор деб топилди.

Орзугул РУСТАМОВА

**ТАДБИРКОРЛАР
УЧУН ҚЎЛЛАНМА**

Миллий матбуот марказида «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асослари» номли қўлланманинг тақдими бўлиб ўтди. Бу қўлланма ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази молиявий кўмағида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тайёрланди.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир қатор қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олган ушбу қўлланма ишбилармон кишилар учун яхши кўмак бўлади.

Китобда Юртбошимизнинг мамлакатда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришга таллуқли Фармонлари, «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бизнес юртишда фойдаланиладиган янги ахборот технологиялари ва глобал телекоммуникация воситалари ҳақида материаллар ҳам бор.

Шунингдек, қўлланмага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тадбиркорликни ривожлантириш, маҳсулотларни сотишнинг бозор механизмларини такомиллаштириш бўйича қарорлари, савдо фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларни рўйхатга олиш тартиби, товарларни сертификатлаш, экспорт-импорт операциялар тартиби ва ҳоказолар киритилган. Бундан ташқари ушбу нашрда тижорат банклари, лизинг компаниялари ва кредит ташкилотлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам бор.

ЎЗА

Маълум

**ЁШ
МЕЪМОРЛАР
ИЗЛАНИШДА**

Тошкент Архитектура ва курилуш институтининг "Меъморчилик тарихи ва назарияси" кафедраси йирик тадқиқот марказига айланган. Бу ерда ўлкамизда қад кўтарган қадимий обидалар ва маданий ёдгорликлар тарихини ўрганишга оид изланишлар ҳам кенг қўламда олиб борилмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, бундай изланишларга диплом иши сифатида ҳам қўл урилмоқда. "Хожа Ахрор Валлийнинг Туркистон шаҳридаги мақбарасини реконструкция қилиш ва қайта тиклаш" деган мавзудаги лойиҳа иши ҳам иқтидорли талаба-ўшларга ишониб топширилди. Улуг зот таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига бағишланган бу лойиҳа устоз мутахассислар томонидан яхши баҳоланди.

Бундан ташқари Бухоро, Самарқанд, Хива каби шаҳарларда бунёдкорлик ишларининг янги лойиҳалари ҳам бўлажак ёш меъморларга диплом иши қилиб берилди.

**ОЧИҚ
ДАРСЛАР**

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саннат институти факультетларида педагогик маҳорат кўриklarини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. "Очиқ дарслар" кўринишида уюштирилаётган бундай маърифий тадбирлар профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида яқин мулоқотни таъминлашда ҳам восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Пахта технологияси ва механика факультетларида ташкил этилган очик дарслар "Пахта" дастлабки ишлаш технологияси ва жиҳозлари" деган мавзуга бағишланди. "Кўп ўзгарувчилик функциялари" деган мавзуда уюштирилган очик дарс ҳам қизиқарли ўтди. Мухандислик-педагогика факультети профессор-ўқитувчиларининг очик дарсларида "Тўқимачилик материалшунлиги ва сифатини баҳолаш", "Йиғириш тизимлари" деган маърузалар тингланди.

**ИНСТИТУТ
ЮБИЛЕЙИГА
ТАРАДДУД**

Тошкент Давлат авиация институти ўзининг ўн йиллик таъриғарлик кўрмоқда. Марказий Осиёда шу йўналишда кадрлар тайёрловчи ягона бўлган бу олий ўқув юртида мазкур санага муносиб совғалар хозирланмоқда.

Бу ерда ҳаво йўналишларини бошқариш бўлими очилди. Фуқаро авиацияси учун малакали диспетчерларни тайёрлаш билан шугулланганидан мазкур янги бўлим энг замонавий техника воситалари ҳамда қурилмалар билан жиҳозланди.

Олий ўқув юртида техника ижодкорлиги йўли билан қатор янги қурилмалар яратишга эришилмоқда. Илмий-конструкторлик ишлари ҳам яхши самара бермоқда. Кичик самолётни яратиш устида ҳам изланиш олиб борилмоқда. Бу хил ҳаво кемасидан қишлоқ ҳужалиги эҳтиёжларини қондиришда кенг фойдаланилади.

Россия, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатлар билан кадрлар айриб олаш ҳам йўлга қўйилди.

Ақбар АЛИЕВ

Олий ўқув юртиларида

— Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонини Ислоом Каримов миллий армия учун юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш тўғрисида доимий ғам-хўрлик қилиб келмоқда.— деди Б.Раҳиммирзаев. — Офицерлик — обрўли касб. Унинг Қуролли Кучларимиздаги роли жуда катта. Чунки офицерлар зиммасига оғир, айни пайтда шарафли вазифа — Ватанини ҳимоя қилиш мажбурияти юкланган.

Бугун фаолиятимиздаги энг муҳим вазифалардан бири офицер кадрларни тайёрлаш даражасини ошириш ҳисобланади. Шу сабабли Махсус факультет қўмондонлиги ва профессор-ўқитувчилари офицер кадрларни тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Махсус факультет ташкил этилганидан бери беш юздан ортик офицер уни муваффақиятли таомлади. Хозир улар мамлакатимиз Қуролли Кучлари қисм ва бўлинмаларида хизмат қилмоқда.

Хозирги кунда факультет Ватанимиз ва халқимизга содиқ олий ҳарбий-махсус маълумотга эга офицерларни тайёрламоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Махсус факультет тўғрисидаги нозом»га мувофиқ 1- ва 2-курсда ўқидётганлар талаба ҳисобланади. Учинчи курс бошида улар олий ҳарбий-таълим муассасаси курсанти мақомига эга бўлади, ҳарбий қасамд қабул қилади ва Ўзбе-кистон Республикаси Мудофаа вазирлиги таъминотига ўтади. Факультетда ўқиш мuddати беш йил.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг радиотехника ва зенит-ракет қўшинларини мураккаб радиоэлектрон техникани ишлата оладиган, мураккаб ҳаво шароитида радиотехника қўшинлари жанговар бўлинмаларини бошқара оладиган, радиотехника бўлинмаларига қўмондонлик қилиш ва қарорлар қабул қилиш, ижтимо-

ий-сиёсий, техник, жанговар ва сафарбарлик тайёргарлиги бўйича машғулотлар ўтказишга қодир офицер кадрлар билан таъминлаш масаласи йилдан-йилга долзарб аҳамият касб этиб борарди. Шу боис университет базасида бундай кадрларни тайёрлашга қарор қилинди.

Факультетда еттига махсус ва битта умумқўшин тайёргарлик кафедраси мавжуд. Уларнинг ҳаммаси ўз ўқув лабораторияларига эга.

Факультет ўқув-моддий ба-

касий фанлар бўйича ўқув дастури университет кафедраларига берилди ва профессор-ўқитувчиларимиз томонидан унинг ўқув-моддий базасидан фойдаланган ҳолда бажарилади.

Махсус факультет офицерлари хорижий фирмалар ҳарбий алоқа ускуналари тақдиротларида, дала синовларида иштирок этмоқда. Улар Тошкент олий ўқув юртилари ҳамда чет давлатлар ўқув марказларидан ўз малакасини оширади.

— Университетнинг Мах-

ўлаштирган ва давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширган курсантларга «лейтенант» офицерлик унвони берилди, уларга дипломлар ва кўчрак нишонлари топширилди.

— Махсус факультетнинг моддий-техника базаси қандай аҳволда?

— Айтиш керакки, сўнгги йилларда у анча мустаҳкамланди. Махсус ускуналар олинди ва ўрнатилди, иккита тўлиқ таъмирланган синфда замонавий радиоалоқа ускуналари ўрнатилди. НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий-таълим муассасаларининг Интернет тармоғига уланиш имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилган бўлиб, шу асосда иккита махсус компьютер синфи ташкил этилди.

Ўқув жараёнида қўлланиладиган энг янги техник воситалар ўқитувчилар ва талабаларнинг изланиш ва ўрганиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Маърифий-тарбиявий ишларга ҳам катта аҳамият берилмоқда, чунки бусиз олий ҳарбий ўқув юрти фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Офицерлар, шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбийлар, курсантлар, ишчи ва хизматчилар билан олиб борилаётган барча тарбиявий ишлар шахсий таркибда Ўзбекистон Республикаси Президентига, ўз халқига, ҳарбий қасамдига содиқлик ва Ватанимиз тарихи ва анъаналарига чўқур эҳтиром ҳиссини шакллантиришга қаратилган.

Университет таркибидеги Махсус факультет фаолияти командирлар ва профессор-ўқитувчиларни янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг аудиовизуал ва компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда офицерлар тайёрлаш савиясини янада оширишга қаратилган.

ЎЗА МУХБИРИ ТУРСУНБЕК БОТИРБЕКОВ СУҲБАТЛАШДИ.

**ОФИЦЕРЛИК —
ШАРАФЛИ КАСБ**

Шу йил Тошкент Ахборот технологиялари университети 50 ёшга тўлади. Ўтган даврда бу олий ўқув юрти миллий таълим тизимини ривожлантириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга салмоқли хисса қўшди.

Университетнинг махсус факультети олий ҳарбий ўқув юрти мақомига эга. Бу ерда Ўзбекистон Қуролли Кучлари учун офицер кадрлар тайёрланади.

Факультет фаолияти, янги шароитда унинг роли ва вазифалари ҳақида ЎЗА мухбири Махсус факультет бошлиғи — Тошкент ахборот технологиялари университети проректори, полковник Ботур РАҲИММИРЗАЕВ билан суҳбатлашди.

засини кенгайтириш мақсадида ер майдонлари ажратилди ва ягона ҳарбий шаҳарча ташкил этилди. Махсус факультет Мудофаа вазирлигининг кўптармоқли ҳарбий-таълим муассасасига айланди.

Махсус факультет профессор-ўқитувчилари умумҳарбий, ҳарбий-техник ва ҳарбий-маҳсус фанлар бўйича билим беради, комплекс дала машғулотлари ва махсус машғулотлар ўтказиши, амалиётнинг барча турлари, ҳарбий малака оширишга раҳбарлик қилади, қабул (касбий танлов) ва давлат имтиҳонлари топширилишини ташкил этади.

Офицерларни тайёрлаш ўқув режаларида кўзда тутилган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математик ва табиий, умум-

сус факультетига абитурientларни қабул қилиш тартибини қисқача тушунтириб берсангиз.

— Махсус факультетга абитурientлар Мудофаа вазирлигининг режасига асосан қабул қилинади. Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридеги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест усули ёрдамида амалга оширилади. Тест синовлари ўзбек, рус ва қоракалпоқ тилларида ўтказилади. Аввало, факультетга туман ва вилоятлар мудофаа ишлари бўлимлари ва бошқармалари орқали қақтирилган абитурientлар касбий танловдан ўтади. Касбий танловдан ўтган абитурientлар тест топширади.

Ўқув дастурларини тўлиқ

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетига ўтказиладиган тадбирлар қўлами кенгайиб бормоқда. Чет эллик олимлар билан бўлиб ўтган учрашув эса талабалар билиминини бойитиш, тажриба алмашиш йўлида катта аҳамият касб этди.

Тадбир Халқаро ҳамкорлик маркази режаси асосида ҳуқуқшунослик факультети ташаббуси билан ташкил этилди. Унда Япония Ритцумейкан университетининг Конституцион ҳуқуқ бўлими профессори Акихита Кимижима, Нагоя университети социология фанлари профессори Тараша Исобе ҳамда мазкур факультетнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари қатнашдилар.

Тадбирни факультет декани Б.Самархўжаев очар экан, Ўзбекистоннинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътибори тобора мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда чет давлатларнинг тегишли ўқув юртилари билан ўрнатаётган алоқалар юксак малакали кадрлар етиштириш жараёнининг нақадар изчиллик билан амалга оширилаётганигидан далолат эканлигини таъкидлаб ўтди.

Учрашув чоғида олимлар Япония сиёсий тизимида партияларнинг роли, ҳуқуқий мақоми, давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ҳокимият ҳақида батафсил сўзлаб бердилар ва берилган саволларга жавоб қайтардилар.

Асосий мавзу Япония давлати таълим тизимидаги ислохотларга қаратилди. Жаноб Акихита таълим турлари борасида сўзлар экан, бу соҳада рўй бераётган бир қатор янгиликларга тўхталиб ўтди. Чунки, ҳуқуқшунос магистр даражасидаги етуқ кадрлар тайёрлаш тизимининг мураккаб-лигини эътиборга олиб, бу йилдан бошлаб, Америка таълим андозаси асосида ҳуқуқшунослар учун магистратурада ўқиш мuddати 3 йил қилиб белгиланганини ва бу борада педагогик фаолиятини юртиш учун докторлик илмий даражасини сақлаш кераклигини ҳам маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, мамлакатимиз суд ҳокимияти тизимида Конституциявий суднинг ўрни, фаолияти ва вазифалари каби мавзулар чет эллик мутахассислар диққат-эътиборида бўлди. "Жиноят процесси" кафедраси мудири Р. Ҳакбердиеванинг бу

борадаги берган маълумотларини улар қизиқиш билан тингладилар. Йиғилишда факультетнинг фаол талабалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузуми ҳақида ўзларининг торт фикрлари, тушунчаларини кўрсатишга ҳаракат қилди-лар. Қўзғал талабалар билан мулоқотда бўлган кўчмонлар уларнинг демократик жамият қуришдаги интилишларининг фаоллигини юқори баҳолашди.

Шунингдек меҳмонларни "Конституциявий ҳуқуқ" кафедрасидаги илмий изланишлар йўналиши, тармоқ фанларининг 12 йўналишда олиб борилаётганиги, кафедранинг педагогик фаолияти маъмурий, молия, солиқ, банк ҳуқуқлари билан бир қаторда давлат хизматчилиги ва давлат бошқаруви асослари, ижтимоий назорат йўналишлари ҳам ўрганилаётганиги, Конституцион ҳуқуқ масалалари юзасидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган конференциялардаги чоп этилган материаллар билан мазкур кафедра мудири юридик фанлари доктори, профессор Ш.Жалилов ва бошқа ўқувчилар яқиндан таништирдилар. Эркин фикр алмашиш, жонли мулоқот тарзида бўлиб ўтган учрашув барча қатнашчиларда илқ таассурот қолдирди.

Наргиза ДЎСТМУҲАМЕДОВА

**«ДЕСАНТЧИ
БЎЛМОҚЧИМАН...»**

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, ҳар йили баҳор ва кузда Ватан ҳимоясига ҳозир йиғилган мuddатли ҳарбий хизматга қақтирилади. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри мудофаа ишлари бошқармалари ва барча шаҳар, туман қақтирув ййгин пунктларида апрель, май ойларида миллий армиямиз ҳарбийлари сафига қўшилаётган ўғлонлар сараланапти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг шу йил 4 мартдаги «Мuddатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги қақтирув тўғрисида»ги қарори бу борада мухим дастуриламал бўлапти.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасининг қақтирув ййгин пункти бошлиғи ўринбосари, майор Наби Гафоровнинг айтишича, бу ерда комиссия аъзолари бўлғуси юрт посбонларининг жисмоний ва ақлий соғломлиги, ҳарбий хизматга яроқлилиги, руҳий чидамлилиқ даражаси ҳамда оилавий шароитини синчиклаб ўрганишга киришган.

— Барча синовлардан муваффақиятли ўтдим, — дейди Ақмал Икромов туманида яшовчи Дилшод Ортиқов. — Десантчи бўлмоқчиман. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасасида соҳага оид болангич билим олиш билан бирга парашютдан сакрашни ҳам ўргандим. Орузйим ушаладиган бўлди. Эндиги мақсадим хизмат давомида ота-онам, ёрбиродаларим билдирган ишончини оқлаш.

**Х.САЛИМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ**

Пойтахтимизда ташкил этилган "BUNYODKOR" ёшлар телеклуби эркин фикрли, илғор ва захматкаш ёшларни ихтиёрий равишда бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотдир. Телеклубнинг таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ва Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг "Ёшлар" телеканали бўлиб, унинг асосий мақсади пойтахтда яшаётган, республиканинг барча ҳудудларидан келиб тахсил олаётган, ишлаётган ва ижод қилаётган сервайрат, эркин фикрли ёш авлодни Ватан тараққиёти йўлида бирлаштириб уларнинг сиёсий онгини янада ўстириш, фикрлаш доирасини кенгайтириш, ташкилотчилик маҳоратини ошириш, қобилиятларини рўйба қаршида қўмақ беришдан иборатдир.



"Бунёдкор" ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАР МАСКАНИ

Ёшлар телеклубда турли гуруҳларга бирлашган ҳолда ёки мустақил равишда ўз фаолиятларини амалга оширадиган ва уни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борадилар. Умуман олганда, телеклубга эзу мақсадида гоҳ ва лойиҳа билан келиб, уни рўйба қарши чикариш мумкин.

Ушбу ёшлар маскани ўз фаолиятини бошлаганига энди уч йилгина бўлса-да, бугунги кунда юзлаб интилувчан ёшларни ўз байроғи остида бирлаштира олади. Телеклуб қошида ташкил этилган "Сибёсат", "Асплода", "Иқтисодиёт", "Журналистика", "Асп ёшлари" каби турли соҳага йўналган ўн та гуруҳ мустақил ҳолда ўз фаолиятини амалга оширмакда.

Телеклуб гуруҳлари ҳақида сўз кетганда, энг фаол ва кўплаб аъзо-

лари бўйича теледастур тайёрлашга киришдилар.

"Сибёсат" гуруҳининг ўзига хослиги эса интилувчан ва изланувчан ёшларни ўзига бирлаштиришга қарабди. Улар узок вақт давомида Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ва улар яратётган сиёсий муҳитни чуқур ўрганишга ҳаракат қилдилар ва бунинг натижаси сифатида "Ўзбекистон икки палатали парламент тизимига ўтишдан олдин сиёсий партиялар тайёрларлиги" мавзусида семинар ўтказилди. Бу тadbирга тўрт сиёсий партиянинг етакчи вакиллари, сиёсатшунос олимлар ҳамда шу соҳага қизиқувчан ёшлар тақлиф этилди. Сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган самимий суҳбат кўлаб муаммоларнинг ечимини излашга имкон берди.

Магистр, аспирант ва ёш фан номзодларидан ташкил топган "Ёш олимлар" гуруҳи телеклубнинг яна бир кучли гуруҳи ҳисобланади. Бу гуруҳ ҳар бир сиёсий-ижтимоий масалага илмий ёндаша олиши, ўртага қўйилган муаммоларнинг моҳиятига чуқур қира олиши билан ажралиб туради. Улар ўтказган илмий-амалий семинар, учрашув ва давра суҳбатлари мунтазам равишда телевидение ва матбуот орқали ёритиб борилиб, кўплаб ёшлар эътиборига тушишга улгурган.

"Interart" гуруҳи дунё микросиёсатидаги долзарб муаммолар ҳақида кўплаб илмий-амалий конференция ва семинарлар ўтказиб, улар хусусида ёшлар фикрини, нуктаи назарларини шакллантиришга ўз хиссасини қўшмоқда. Улар каби "Иқтисодиёт" гуруҳи ҳам мавжуд муаммоларнинг ечимини излаш борасида ёш иқтисодчиларнинг

Инсоннинг диди, аввало, кийимларни бир-бирига мослаб кийишда намоён бўлади. Бу биринчи навбатда, бошдан-оёқ кийинишининг, яъни кийим билан пойабзал, сумка ва қўлқоплар ранги ҳамда шакллари уйғунлиги демакдир.

"Чиройли кийиниш" деганда, фақат мода кетидан қувиш эмас балки, аёлларнинг уст-бошларини бир-бирига мослаб, ўз қадди-қомати, териси, сочи ва кўзининг ранги каби ўзига хос хусусиятларини алоҳида ҳисобга олган ҳолда кийинишлари тушунилади. Қадди-қомати келишган аёлларга мода журналларидаги либосларнинг ҳаммаси ҳам тўғри келиши мумкин. Кўпчилик аёллар эса, кийим тиктираётганларида унинг ўзларига ярашиб туриши учун анча бош қотиришларига тўғри келади.

Тўладан келган аёлларга белнинг паст қисмидан уланган ва кенг этак бўлиб тушган кўйлақларни кийиш тавсия этилмайди. Ҳипча аёллар эса тор, баданга ёпишиб турган кўйлақлар киймаслиги керак. Агар бел юқори бўлса, унга белбоғ тақиб аж-

Муқозаза

ЛИБОС ГЎЗАЛЛИК, ЛЕКИН...

Кийим танлаш ва кийиниш ҳаммининг, айниқса, аёлларнинг фикри ва вақтини кўп эгаллайдиган масалалардан биридир. Ҳар бир аёл — хоҳ ёш киз, хоҳ ёши улуг аёл бўлсин, кўнага чиқиш олдидан албатта ойнага қараб, "Қайси кийимини кийсам экан?" деб бош қотиради. Чунки, яхши кийиниш ҳам ўзига хос санъат ҳисобланади.

Кийим танлаш ва кийиниш ҳаммининг, айниқса, аёлларнинг фикри ва вақтини кўп эгаллайдиган масалалардан биридир. Ҳар бир аёл — хоҳ ёш киз, хоҳ ёши улуг аёл бўлсин, кўнага чиқиш олдидан албатта ойнага қараб, "Қайси кийимини кийсам экан?" деб бош қотиради. Чунки, яхши кийиниш ҳам ўзига хос санъат ҳисобланади.

Кийим танлаш ва кийиниш ҳаммининг, айниқса, аёлларнинг фикри ва вақтини кўп эгаллайдиган масалалардан биридир. Ҳар бир аёл — хоҳ ёш киз, хоҳ ёши улуг аёл бўлсин, кўнага чиқиш олдидан албатта ойнага қараб, "Қайси кийимини кийсам экан?" деб бош қотиради. Чунки, яхши кийиниш ҳам ўзига хос санъат ҳисобланади.

КАМОЛОТ

Тенгдошларини ижодқилар

ТУЙҒУЛАРИ БИР ОЛАМ

Кечаси билан ёққан қорнинг беғуборлиги ва қишнинг ажойиботларини деразадан кўриб туриб замин келади. Шу дам шоир бўлиб, бу гўзалликни қаламга олгинг келади... Мана... мен кутган ўша оппоқ қор, Мана бизнинг ўша торгина йўлак. Бу кумуш қиш қандай ажиб, беғубор Қор парчасидай ўйнайди юрак.

Юқоридаги сатрларни ўқиб оппоқ қор мисоли Сайёранинг беғубор туйғулари бир олам эканини ҳис этаман.

Сайёрабону Жўраева шеърингга ўсмирлик йилларида кириб келган, 9-синфда ўқиб юрган кезлари кичик ҳикояси ва шеъри «Тонг юлдузи» газетасида босилиб чиққан эди. Кейинчалик у тиббиёт билим юртида ўқиб юрган кезлари Зулфия номидаги давлат мукофотига номзод этиб кўрсатилганида, гарчи ушбу мукофотга эришмаган бўлса-да, талабалик давридаги бу эътибор унга куч-ғайрат, илҳом бағишлаганди.

Мана Сайёра ўз орзуси йўлида Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига ўқишга кириб, бугунги кунда III-босқич талабасидир. Университетда ҳам у тезда эътиборга тушди. Дарслардаги тиришқоқлиги ва интилувчанлиги сабаб Жанубий Кореяннинг «Сумитомо Корпорейшн» фирмасининг стипендиантига айланди. Шеърлари

«Тенгдош» газетасида босилиб чиққан бўлса, «Туркистон», «Тошкент оқишми» «Оила ва жамият» каби газеталарда бир қатор мақолалари билан қатнашиб келади.

Сайёранинг шеърини оппоқ қор мисоли поэзияликни ифодалайди. Гўёки унда соф муҳаббат, олам-олам орзулар яширингандай, мисралар эса қор учқунларида тобланиётгандай кўринади менга ва ана шу орзулар ижобатини тилагим келади.



Зафар ЁКУБОВ

БИР САВОЛ ЎЯР ҚАЛБИМНИ...

Орзулар олови ёнар гурирлар, Қандайдир ҳаётни қиламан хаёл... Аммо бугун менга юрак пичирлаб Вужудим ўзини сезмоқда беҳол... Айтинг, сиз учун не қила олдим?! Қўлимдан келгани шеърми, шу фақат

Шеърда ҳам қуйладим ёлғиз дардимни. Аммо, кўксимда ёнар муҳаббат, Ва бир савол ўяр қалбимни. Айтинг, сиз учун не қила олдим?! АЧЧИҚ СЎЗИМИЗ Қанча тақдирларни бирлаштирган бу — Самимий дилдан чиққан ширин сўз

Қанчасини эса барбод айлар, у— Биргина, ўйламай айтилажак сўз Бу тақдир, тақдир — деймиз-у, бироқ Ҳар нега сабабчи ёлғиз ўзимиз Қанча «тақдирлардан» ҳам қудратлироқ Бизнинг икки оғиз аччиқ сўзимиз. Сайёрабону ЖўРАЕВА



ларига эга «Журналистика» гуруҳи ҳақида алоҳида гапириб ўтиш жоиздир. Ҳаваскор ва талаба журналистлардан иборат ушбу гуруҳ Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолияти ва журналист кадрларни тайёрлаш муаммоларига боғлиқ бир қанча илмий-амалий давра суҳбатларини ўтказди. Бундан ташқари, гуруҳ аъзолари мустақил равишда хориж тажрибаси асосида телерепортаж тайёрлаш ўқув амалий семинарларини ташкил қилдилар ва олган назарий билим-

ларига эга «Журналистика» гуруҳи ҳақида алоҳида гапириб ўтиш жоиздир. Ҳаваскор ва талаба журналистлардан иборат ушбу гуруҳ Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолияти ва журналист кадрларни тайёрлаш муаммоларига боғлиқ бир қанча илмий-амалий давра суҳбатларини ўтказди. Бундан ташқари, гуруҳ аъзолари мустақил равишда хориж тажрибаси асосида телерепортаж тайёрлаш ўқув амалий семинарларини ташкил қилдилар ва олган назарий билим-

ларига эга «Журналистика» гуруҳи ҳақида алоҳида гапириб ўтиш жоиздир. Ҳаваскор ва талаба журналистлардан иборат ушбу гуруҳ Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолияти ва журналист кадрларни тайёрлаш муаммоларига боғлиқ бир қанча илмий-амалий давра суҳбатларини ўтказди. Бундан ташқари, гуруҳ аъзолари мустақил равишда хориж тажрибаси асосида телерепортаж тайёрлаш ўқув амалий семинарларини ташкил қилдилар ва олган назарий билим-

Таълим муассасаларида

ТАРБИЯ ПИШИҚ ВА ПУХТА БЎЛСИН

«Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақшдир» деган ибратли нақл бежизга айтилмаган. Чунки эндигина тийрак нигоҳларини ҳаёт алифбоси ва илму урфундан сабоқ олишга қаратган болажон кўрган ва эшитганларини бир умрга ёдда сақлашга ҳаракат қилиши, шубҳасиз. Шунинг учун ҳам ёш ниҳолга пишиқ-пухта таълим ва тарбияни боғчадан, сўнгра эса мактабдан бошлаш керак. Устоз-мураббийларнинг фаоллиги, изланиши, ўз фанини пухта билиши бу ўринда катта аҳамиятга эга.

«Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақшдир» деган ибратли нақл бежизга айтилмаган. Чунки эндигина тийрак нигоҳларини ҳаёт алифбоси ва илму урфундан сабоқ олишга қаратган болажон кўрган ва эшитганларини бир умрга ёдда сақлашга ҳаракат қилиши, шубҳасиз. Шунинг учун ҳам ёш ниҳолга пишиқ-пухта таълим ва тарбияни боғчадан, сўнгра эса мактабдан бошлаш керак. Устоз-мураббийларнинг фаоллиги, изланиши, ўз фанини пухта билиши бу ўринда катта аҳамиятга эга.

«Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақшдир» деган ибратли нақл бежизга айтилмаган. Чунки эндигина тийрак нигоҳларини ҳаёт алифбоси ва илму урфундан сабоқ олишга қаратган болажон кўрган ва эшитганларини бир умрга ёдда сақлашга ҳаракат қилиши, шубҳасиз. Шунинг учун ҳам ёш ниҳолга пишиқ-пухта таълим ва тарбияни боғчадан, сўнгра эса мактабдан бошлаш керак. Устоз-мураббийларнинг фаоллиги, изланиши, ўз фанини пухта билиши бу ўринда катта аҳамиятга эга.



Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: 254-мактабда бўлиб ўтган тadbирдан лавҳа.

Бу борада Чилонзор туман халқ таълими бўлими томонидан ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Кунги кеча ана шундай хайрли мақсадлар кўзланган ҳолда тумандаги 201-мактабда «Аждодлар меросини ўрганимиз — қамолотга интиламиз» шиори остида она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг семинари бўлиб ўтди.

Анжуманда иштирок этган тумандаги умумтаълим мактаблари она тили ва адабиёт ўқитувчилари «Фельмайлар» мавзусида, 7-«Б» синфида Муъясар Рашидованинг «Шукр Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикояси» 9-«А» синфида «Салима Ҳасанованинг Одиля Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси», асари» мавзусидаги ноанъанавий дарсларини қузатдилар.

Семинар сўнггида Заҳириддин

Анжуманлар

ИЖОДИЙ МУЛОҚОТ САМАРАЛИ КЕЧДИ

Мустақил юртимиз ёшларининг камолга етишида умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатлари беқийс. Таълим-тарбия жараёнини миллий қадриятларимиз, адабий меросимиз асосида олиб бориш эса ҳар бир устоз-мураббийнинг шарафли бурчидир.

Бобур ижодига бағишланган «Аҳбоб, йнгилмоқни фароғат тунгингиз» мавзусида адабий кеча ўтказилди. Мазкур тadbир орқали ўқувчилар қалбида Бобур каби буюк даҳоларга меҳр ва ҳурмат ҳисси уйғотилаётгани яққол намоён бўлди. Шу билан бирга анжуман иштирокчилари ўзаро ижодий мулоқотда бўлиб, услубий янги-

ликлардан ҳам хабардор бўлишга эришдилар.

Келгусида шундай семинар ва тadbирларнинг кўпроқ ўтказилиши ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муаттар ҲАМРОЕВА, Чилонзор туман халқ таълими бўлими услубчиси.

Иборат

НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ

Ёш авлоднинг келгусида таълим-тарбияли, юксак ахлоқли, комил инсон бўлиб вояга етиши йўлидаги саъй-ҳаракат давлатимиз томонидан энг устувор вазифа қилиб белгилаб қўйилган. Шунинг учун ҳам ушбу мақсад йўлида ибратли юмушлар амалга оширилиб, қатор кўрик-танлов, кизикarli учрашув, фан олимпиадалари ва спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Хусусан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бош бош қармасининг 2004 йилдаги қўшма қарорига мувофиқ 2004-2005 ўқув йилида ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўртасида «Намунали бошланғич ташкилотлар»ни ташкил этиш кўзда тутилган.

«Камолот» ЕИХ Мирзо Улугбек туман Кенгаши қарор ижроси йўлида тумандаги юқорида кўрсатилган ўқув муассасаларида мониторинг ўтказди ва натижалар таҳлилга мувофиқ А.Санаев раҳбарлик қилаётган Мирзо Улугбек номидаги информатика касб-хунар коллежи «Намунали бошланғич ташкилот» деб топилди.

Шу муносабат билан «Камолот»чиларга коллеж раҳбарияти томонидан катта хона ажратиб берилди, туман Кенгаши эса ушбу хонанинг замонавий жиҳозланишига ўз хиссасини қўшди.

— Биз бундан ҳам катта ютуқларга эришиб, ўзимиз таълим олаётган билим масканини шаҳар миқёсига олиб чиқамиз, — дейди коллежининг «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Нодирбек Раҳматов. — Ниятимиз «Камолот» ҳар қадамда ёшларга йўлдош эканини барча тушуниб етсин.

Шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, коллеждаги бошланғич ташкилот қошида «Оқ қабур» клуби ташкил этилган бўлиб унинг 200 нафар иқтидорли аъзолари бор. Клуб иштирокчилари коллежда бўлиб ўтаётган барча тadbирларда фаол иштирок этиб кизикarli саҳна кўринишлари, дилбар кўшиқлари, шеър ва рақслари билан учрашувларнинг жонли ва кизикarli ўтишига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшадилар.

Истардикки, ёшлар билан иш олиб бораётган ҳар бир етакчи энг намуналилар қаторидан ўрин олишга интилиши ва бошқаларни ҳам ўз ортидан эргаштирсин.

Самидяхтиёрхон САИДОЛИМОВ

Рангларнинг бир-бирига мос тушиши ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Тўқ ва қора рангли либослар жусса ва қоматнинг тўлалигини билинтийрмай турса, оқ ранглар тўла кўрсатади.

Ҳозирда «очик-сочик» кийимлар тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бизнингча, ўраниб-чирманиб юриш шарт эмас, аммо ота-оналаримиз, ака-укаларимиз олдидан очик-сочик, қорнимизни кўрсатиб ёки ўта тор либосларда юришимиз, фикримизча, мутлақо ноўрин. Бу борада ҳар кимнинг мустақил фикри, шунингдек, диди турлича бўлиши табиий. Лекин нима бўлганда ҳам шарқона урф-одатларимиз, момо мерос анъаналар меъёрларига амал қилиб кийинсак, ўзимизга ҳам, бошқаларга ҳам кўтаринки қайфият бағишлаган бўламиз. Шундай эмасми? Сиз нима дейсиз?

Феруза УМРЗОҚОВА

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари универститетининг «Халқор журналистика» факультети талабаси.

Луқма

КИТОБНИНГ ҚАДРИ

Инсон насли инсон бўлиб, қўли ишга, тили сўзга келиб, бир-бири билан муомала қила бошлабди-ки, бу ажиб, чигал, борлиги фақат сир синаотдан иборат дунёда яшаш дарсини ўқийди ва то шу кунгача бу дарс тугамаган. Энг буюк доғишманлар ҳам умрларини илму фанга бағишлаган, жаҳон кезиб, дунё-дунё китоб ўқиб, оламдан кетар чоғи, мен ҳаётдан ҳеч нарсани билмай кетмоқдаман, деганлар. Не ажаб, ҳаёт илминин тугал англамоқда нафақат бир инсон умри, балки инсонлар умри етмайди...

Ҳар бир билимли инсон, нафақат билим эгалари, балки саводи бор барча кишилар ҳам китоб ўқишга ташнадирлар. Айниқса, бадиийлик жанрига мансуб бўлган китоблар кўпчилигининг назаридан четда қолмайди. Шу ўринда бир савол туғилади. Ҳозирги кунда бадиий китобларнинг қадри қандай?..

Бир кунни ўқишдан келсам, онам «Фарҳод» бозоридан зира олиб келишимни сўрадилар. «Яна бирор бир ўртоғингни кўриб қолиб гаплашиб қолиб кетмагин», — деб қийратириб ўтдилар ойим. «Хўп» деганимча, уйдан чиқиб кетдим.

Бозорни айланар эканман зира эсимдан чиқиб, кўзим бир четда амаки сотаётган китобларга тушди. Китоб ўқишни жуда ҳам яхши кўрганим учун улардан кўзимни узолмай қолдим. Нарҳини сўрасам фалон сўм экан. Бирдан эсимга зира олишим тушиб қолди. Югуриб зира сотувчи аёлларнинг ёнига бориб зиранинг энг зўрини танладим. Зира сотувчи аёл сумкасида қалин бир китобни олиб йирта бошлади. Шунда менга бир китоб жуда таниш кўриниб кетди.

— Вой, хола, нега китобни йиртасиз, ахир бу Алишер

Навойнинг «Лисон-ут тайр» асари-ку, — дедим беҳтиёр. Ҳалиги аёл менга қараб: — Нимага бўларди. Сенга зира солиб бераман болам, — деди.

— Сиз бунни қасрдан олдингиз, — қизишиб кетиб сўрадим. Аёл эса бепарвогина. —Макулатурага борсанг у ерда бундай китоблардан тўлиб ётибди, — деди.

— Уша кунни уйга ҳайрон бўлиб қайтиб келдим. Шундан бери ўйлаб ўйимнинг охирига етолмайман. Айниқса, уша сотувчи аёлнинг «борсанг катта китобларни 200 сўмдан, кичикроқларини 100 сўмдан ҳам оласан» деган сўзлари хаёлимдан кетмайди. Йўқ, мен китобларнинг арзонлигини кувонмадим, аксинча, бундан даҳшатга тушдим. Наҳотки, ҳозирги кунга келиб буюк шоирларимизнинг, адибларимизнинг, ёзувчиларимизнинг ёзиб қолдирган ноёб асарлари ўз қадрини йўқотаётган бўлса? Наҳотки бугунги кун ёшлари китоб ўқиш ўрнига, соатлаб интернетда керак, кераксиз мавзунотларни йиғиш билан шуғулланаётган бўлса? Яна ким билсин...

— Вой, хола, нега китобни йиртасиз, ахир бу Алишер

Фарида УМИДЖОНОВА

Шарқ дурдоналари



● Эй фарзанд, ҳеч қачон бадгумон ва эгри фикр бўлма! Билгинки, бадгумонлик сени барча дўстларингдан узоқлаштиради ва ёлғизлаб қўяди.

● Чакимчи шундай кишики, бирор ерда эшитган гапини дарҳол бошқа одамга бориб айтиди, натижада икки одам орасида фатна туғдиради. Покдил киши бировдан эшитган гапини бировга айтмайди. Жимлик ва сукут йўлини ихтиёр этади. Агар унга биров гап ташлаб келса унинг гапига ишонмайди, чакимчига танбех беради ва иккинчи марта бундай иш қилмасликка даъват этади.

● Тўғри сўзли киши барчанинг эътиборини қозонади. Яхши ишдан янада улурроқ мартабаларга тавсия этилади. Кадр-қиммати ортади, ҳамма ерда сўзи мақбул бўлади. Ёлғончи эса аксинча, бу нарсаларнинг барчасидан маҳрум бўлиб, унинг орқасидан одамлар нафрат билан қарашади. Ёлғончи ёлғон сўзи билан ўзгаларнинг обрўсини тўкмоқчи, ҳуқуқидан маҳрум қилмоқчи бўлади. Вахлоники, унинг ёлғон сўзлари ўзи учун қони зарар бўлиб чиқади.

● Эй азиз, билгинки, одамзот дунёда қўлида бориға қаноат қилиши лозим. Шундангина у одамларга тама қўлини чўзмайди. Кимки керагидан ортиқча нарса қидириш пайида бўлса меҳнатлар домига тушади. Бесабрлик ва тама олови уни хорлик кўчасига иргитиб ташлайди, одамларнинг назаридан четда қолади. Натижада ундай киши надомат тўрига ва маломат ўқиға дучор бўлади. Билгинки, тама барча балоларни келтирувчи ва жумлаи офатларни қўзғатувчидир.

● Ҳасадчи киши одамларнинг шод ва хушхоллигидан доимо ғам чекади ва алам тартади. Ҳа, дунёда ҳасад ва бахилликдан кўра ёмонроқ дарду алам йўқ! Шундай экан сен бундай кишилардан узоқ юр, уларнинг суҳбатидан қоч!

Дармон қабул қилмас иллатдир ҳасад, Ҳасадчининг доим ғамидир беҳад!

● Кишининг ўз нафисдан қочиши йиртқич шердан қочгандан фойдали.

● Унутмагинки, таъмаси кўп кишининг инсофи оз бўлади.

Таъмагир ўзи учун келатган ҳалокатни ўзи билмайди. Пасткаш одам бирор қимсани севса у қўрқанидан севади ёки таъмагирликдан.

● Ҳикмат. Қаноат меваси роҳат, камтарлик меваси муҳаббат. Байт:

Қаноат айлагин, эй хушёр киши, Қаноат роҳатдан беради нишон!

● Айтишларича бир оқил йигит ҳақида қуйидагича хикоя қилишар экан. У дўстлари билан ҳаммаша улфат, улар билан доимо ҳаммаму ҳамсуҳбат экан. Йигит ўз дўстларидан меҳрибонлигини ҳеч вақт дариф тутмас, қўлидан келганича яхшилик қилар эди. Тилида эса қуйидаги шеърни тараннум қилгани қилган экан:

Бугун қўлда бор экан йигитликинг даврони, Файрат қил, оғирмасин сандан ҳеч кимнинг жони! Яхшиликнинг баҳори доим бир хил турмайди, Бир кун нуқсон етару пайдо бўлар ҳазони!

Унинг ҳулқи ва одоби тўфайли барча киши унинг ҳузурини бандлик камарини боғлаб, хизматида ҳозир нозир экан.

Бир бадавлат хонадонда бобо-ю буви қолишган, ёлғиз неваралари эрка ўсганидан беқобил, қиморбоз, безори чиқиб қарияларни азоб-уқубатга қолади, безор бўлган бобоси уни хайдаб юборади. Невара — Маурисио (Тоҳир Саидов) шу тахлит йигирма йил йўқ бўлиб кетди. Лекин дом-дараксиз кетган Маурисиодан кутилмаганда "Келяпман, "Сатурн" кemasида", дейилган телеграмма олишади. Бироқ кема гарқ бўлгани ҳақида матбуотда эълон чиқади. Бобо—Бальбао (Ўзбекистон халқ артисти Рихсидов Юнусов) кампири — Иухенья (Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева) бу фалокат ҳақида эшитмай қўяқолсин, деб ундан яширади. Бироқ йигирма йилдан буён соғиниб эслаб юрган неварасини жуда-ям кутган бувини қандай қилиб овутади? Бальбао бобо бу муаммага чора излайди. Иттифоқо яқин бир профессор оғайиниси кишининг мушкулени осон қилувчи меҳр-мурувват кўрсатадиган "Хайрия" жамияти мавжудлигини айтиди ва ўша ерга мурожаат қилишини маслаҳат беради.

Бироқ, шундай ҳаракатлар кетаётганида кутилмаганида Маурисио авзойи бузук кириб келади. Бальбао бобо хангуманг, "Сен тушган кема гарқ бўлган эди-ку!" — деб сўрайди. Невара бобони менсимай пул кераклигини, уйни сотиб пул қилиб беришини талаб этади. Фожеа шундан бошланади.

— Бувимни чақирин?! Бир кун муҳлат, пул топиб бермасангиз ўртоқларим мени

ўлдирари!, — дея ноқобил невара дағдаға қилади. Чол рафикасига бу нохушликни билдиришни истамайди. Барибир бувининг кўнгли сезади. Кеч билан хонадонда жа-

У тик туради. Икки ёнида Марса билан директор уни суьб туришади. Аблаҳ невара бувининг жон томирини сугуриб кетганди. Онаизор тик турганча жон беради...

Янги спектакллар

МЕҲР-ОҚИБАТ ТАРАННУМ ЭТИЛАДИ

Ўзбек Миллий академик драма театри тақдим этган "Дарахтлар тик туриб жон беради" номли спектаклини кўриб, беихтиёр: "Ана, самимий кўз ёши-ю, қайноқ меҳр пулдан қудратлироқ чикди!" дегим келди. Спектаклнинг асл мазмуни, гоёси ҳам меҳр қудратига бағишланган.

моат жам ўтиришганда Маурисио шарпадек кириб келади. Буви ўзини бардам тутати, неварасининг қабиҳ ниятини сезган. У буғига таяниш, кўчқоқлаб суьонтириш ўрнига дағал овозда пул талаб қилади. Буви:

— Сен кириб келишигданок таниганман, сезганман. Сен ишқирт панжанг билан юрагимни тирнадинг, сенда қалб, меҳр бўлганда эди, бир томчи илқ кўз ёши тўққанингда эди, бор давлатим сенга эди. Энди, жўна, кет, кўрарга кўзим йўқ! — дейди. Меҳрга ташна буви невара, невара келинларини уйлаган саховатли инсонлардан мамнун: "Сизлар билан яшаган кунларим ҳаётимиздаги энг яхши кунлар бўлди, қаддимни тиклаб турибман, худди ана у деразам ортидаги дарахтдай, биласизларми, дарахтлар тик туриб жон беришади", дейди.

Спектакль мураккаб, уни саҳнага қўйган театрининг бош режиссёри Валижон Умаров чет эл ҳаёт тарзи, удумининг ҳамма жиҳатларини очиб беришга, саҳналарнинг узвий боғланишига ва ниҳоят спектаклнинг асосий мақсади инсонларни келажакка умид уйғотиш, ишончини ошириш гоёсини акс эттиришга эриша олган. Ниҳоятда мамнунлик билан айтиш жоизки, спектаклнинг бош қаҳрамони буви Иухенья ролини ижро этган сеvimли онахон актрисамиз Яйра Абдуллаева томошбанини ларзага солди, олқишлар, меҳр-муҳаббат, оқибат нималигини ҳаётида, узоқ йиллик актёрлик фаолиятда ўз бошидан кўп кечирган онахон бу ролни шундай жонли ижро этдики, гўё бу рол фақат унга атаб ёзилгандай.

Яна бир рол — Хайрия жа-

мятининг директори қиёфасини Мухаммадали қиёмига етказиб ижро этган. Абдуқундузов гўёки у инсонларга қувонч, бахтли дақиқалар улашган учун яратилган. Мухтарам актёримиз саҳнада пайдо бўлиши биланок ана шу хислатлар унинг ҳар бир ҳаракатида намоён бўлади, товланиб турган меҳр билан айтган ҳар бир сўзи образининг ички дунёсини очиб беради.

Марта — Сайёра Юнусова бу ролни ижро этишда анча тер тўққанилиги билиниб турибди. Унинг ҳаракатида, сўзларида нафосат, нозик қалб ҳаракати уфурби турипти. Шунингдек, спектаклда бобо ролини ижро этган Рихсидов Авазов меҳрибон эр қисмати ни тўла очиб берган. Тўғриси, ҳар бир образ қиёмига етказиб яратилган десак хато бўлмас. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Иброҳимова, артист Тоҳир Саидов ва бошқа актёрлар ҳам ўз ролларини сикдирилган ижро этишган.

Одатда мақтовлар билан бир қаторда мулоҳаза, камчиликлар ҳақида фикр юритилади. Бироқ камина театрдан ниҳоят ҳиддий, томошбинга зарур — меҳр-оқибатни тараннум этган спектаклни кўриб мамнун бўлганимдан камчиликка эътибор бермадим, чоги. Наҳора, спектакль ижодкорларига шунга ўхшаш сермазмон, томошбинга манзур, саҳнада узоқ яшайдиган шай асарлар яратишда омад тилаймиз.

Фарида УСМОНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Инсонпарварлик, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш кутқарувчи-халоскорларимизнинг асосий широгига айланган. Буни бошқармачис кутқарувчилари томонидан амалга оширилган ишлар таҳлиладан билиб олиш қийин бўлмаса керак.

050: "Қутқарув хизмати"

КУЧ-МАҲОРАТЛАРИНИ ИШГА СОЛИШМОҚДА

Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, 2005 йилнинг ўтган икки ойи доимида Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиетлар бошқармаси 050 — "Қутқарув хизмати" телефонларига ёрдам ва маслаҳат сўраб пойтахтимиз аҳолисидан ҳамда ташкилотлар ва муассасалардан 16620 мартаба мурожаатлар келиб тушди. Юқориди қайд этилган мурожаатлардан 291 таки инсонлар ҳаёти хавф остиди қолиши ва фавкуллода вазиетларга олиб келиши мумкин бўлган қақрувчиларга "Қутқарув хизмати" кутқарувчилари, мутахассислари бошқарма офицерлари раҳбарлигида зудлик билан воқеа содир бўлган жойга чиқиб оғир аҳолга тушиб қолган инсонларга зарур техник ва тиббий ёрдам кўрсатишди...

050-хизмат телефонлари орқали аҳолидан тушган мурожаатлар бўйича Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиетлар бошқармаси Навбатчилик-диспетчерлик хизмати томонидан пойтахтнинг барча фуқаро муҳофазаси хизматлари (тиббийет, сув-газ, иссиқлик таъминоти, оқва сувлар ва бошқа хизматлар) билан ҳамкорликда иш олиб борилиб шу идораларнинг ва авариетиклаш гуруҳларининг ишлари мувофиқлаштириб боришмоқда.

"Қутқарув хизмати" тезкор ходимлари томонидан лифт ичида қолиб кетган қўллаб фуқаролар, ёш болалар, ёш болали аёллар, қариялар, ногиронлар чақариб олинди. Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари билан биргаликда воқеа содир бўлган жойларга чиқиб, ўрнидан тура олмайдиган кекса ногиронларга тезлик билан биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ҳаёти сақлаб

қолинмоқда. Икки ой ичида қутқарувчилар томонидан 64 мартаба хонадон ичида қамалиб қолган маддадсиз қариялар ва ногиронларнинг хонадонлари темир эшиклари очиб берилиб, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди.

Қутқарувчилар томонидан 91 мартаба эшиги қўлфланиб ичида ёш болалар бўлган ёки уй ичида газ ва электр ускуналари ёқик қолган хонадон эшикларини очиб берилиб, юзага келиши мумкин бўлган фавкуллода вазиетлар ва ёнғинларнинг олди олиниб, ёш болаларнинг хавфсизлиги таъминланмоқда.

"Қутқарув хизмати"нинг беминнат дастурлари томонидан пойтахт худудига содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларида ҳабрланган фуқаролар автоуловлардан чиқариб олиниб, уларча биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

"Қутқарув хизмати" қутқарувчилар номига ўзлари ва ақилларига кўрсатилган ёрдам учун миннатдорчилик билдирилган хатлар келмоқда. Қутқарувчилар ҳам ўз наватбатида бу ишончини оқлаш йўлида бор куч-маҳоратларини ишга солиб аҳолига ёрдам бериб келишмоқда. Зеро, фавкуллода вазиетлар натижаида жаҳр чеккан инсонларга кўмак бериш ҳар биримизнинг инсонлигимиздир.

Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиетлар бошқармаси матбуот гуруҳи маълумотлари асосида А.ОРИФЖОНОВ, У.ЖУМАБОВ, А.СҮЙУНОВлар тайёрлашди.

Мунажжим башорати

ИМКОНИЯТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

11 МАРТ, ЖУМА

Ойнинг иккинчи куну бугун. Янги ишларни бошлаш учун яхши имкониятлар очилди. Ҳаммаси ўз-ўзидан изига тушиб кетишини кутиб ўтиргандан фойда йўқ. Шу куну бошланган ҳар қандай иш энгил кўчади, манфаатли бўлади. Фақат бу ишингизга жодий изланишлар асос бўлиши, унга масъулият билан киришиш, бошлардан ишни охирига етказиш учун қатъият ва матонат кўрсатиш керак бўлади.

Бу кун шахсий омад ва муваффақиятлар куну бўлиб, жамоа билан бирга фақат шудифоналар уюштириш, дам олиш керак. Хулус, Фақат бу ишингизга тўзиш, ҳужжатларни имзолаш, урчушувлар белгилаш учун фоят қулай кун. Фаоллик кўрсатиш, одамлар билан ўзаро тил топшишнинг, тадбиркор, урдабурон бўлинг. Тушунлиқка берилманг, ўз қобилингизга ўралиб қолманг.

Ёдингизда бўлсинки, бугун сиз бир ойлик ва ундан узоқроқ муздали ишингизга пойдевор қўясиз. Умумий муваффақиятларингиз бугунги кун ақунига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Оқшомни ўзингиз ёқтирган, юрагингизга яқин тутган кишилар билан бирга дам олиб ўтказсангиз нур устига аёло нур бўлади. Бугун қатлама сомса ҳамда яна ширин ва мазали пирожинийлар тайёрлаш ҳам ўзингиз ва қадрдонларингиз қайфиятини кўтаради.

Ойнинг Кўй буржида бўлиши туфайли сизнинг ҳаракатларингиз одадтадиган бошқачарок, қабул қилган қарорларингиз шиддатлироқ бўлади ва бу атрофдагиларга маълум маънода ёқмаслиги мумкин. Шунда ноқулай

аҳолга тушиб қолиш ҳеч гапмас ва бундан эҳтиёт бўлганингиз маъқул.

Бугун топиб олган ялтироқ нарсангиз — яхшиликка ишора бўлади. Шу кеча ёрқин тушлар кўриш ҳам бўлгуси ҳурсандчиликларингиздан хабардинг. Тушда қўрилган осмон, қачмоқ ва олов омад сизга қўчоқ очаётгани белгисидир.

Бугун рўза тутиб бўлмайди. Лекин бўқиб овқатланишдан ҳам ўзингизни тийинг.

Бошдан-оёқ янги, ёрқин ва тоза қийимлар кириш. Оқ ва олтин ранг либосларни танланг. Қизил ва сариқ рангли ёрқин қийимлар сизга омад келтирди. Қорамтир, қулранг, жигарранг либосларингизни жавонингиз нариги чеккасизга суриб туратуринг.

ЖУМА ҲИТЛАРИ:

— янги муҳим ишни дадил бошлайверинг;

— ҳуқуқшунослар, нотариуслар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан мулоқотда бўлишингиз, улар билан боғлиқ ишларингизни битиришингиз мумкин. Ҳужжатларни расмийлаштириш ҳам омадли бўлади;

— интеллектуал меҳнат билан шуғулланиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мумкин;

— эзуликка қўл уринг, олижаноблик ва самимийлигингизни намоён этинг;

— муаммоларни ҳал этишда қалбингиз амрига қўлоқ тутиб иш қўринг.

Янги танишувлар ва амалий алоқалар ўрнатиш тавсия этилмайди. Сизга ўз таъсирини ўтказувчилар билан мулоқотда бўлманг. Ҳазил—мутойиба, ўйинқулгига аралашшида кўп ҳам фаоллик қилаверманг.

Оила даврасида сўхбайлар

Хаёт турли-туман тасодифларга тўла. Оқилу фозиллар томонидан айтилган баъзи ҳаётий ҳикоятларни тинглай туриб таъсирланиб кетасан киши. Ибратли томони шундаки, улар келтирган мисоллар ҳаётда ўз тасдиғини топгандек туюлади. Назарингизда худди шу каби инсонлар сизу биз билан ёнма-ён юргандек. Баъзан қўтилмаганда уларнинг ўзлари шунга иқдорлик ҳам билдира қолишади.

Даврада фарзанднинг ота олдидаги бурчи ҳақида гап борарди. Сўхбатдошларимиздан бири ҳикоя қилди. Кекса отахон ўғлидан бир чакмон олиб беришни илтимос қилибди. Ўғил отанинг истагини бажонидил қабул қилибдию лекин камбағаллик туфайли ота талабини вақтида қондира олмабди. Орадан уч ой ўтиб ота вафот этибди. Ўғил қарз-ҳавола қилиб бўлсада уни иззат-иқром билан жойига қўйибди. Маросимларини зиёда ўтказибди. У ҳар қанча қилмасин барибир кўнглидаги кемтик жой сира тўлмайди. Шундан кейин у ўла-ўлғунча отасининг ўша чакмон ҳақидаги истагини бажо келтира олмагани учун афсус ва надомат чекиб оламдан ўтибди.

Шу воқеани эшитиб ёнгинамизда ўтирган бир йигит тўсатдан оҳ чекиб қолди. Сабабини сўрасак: «У йигитку камбағаллик туфайли ота илтимосини ўрнига қўймабди. Ахир мен бой-бадавлат бўла туриб отамнинг бир неча илтимосларини лоқайдлик қилиб қондира олмадим. Ана шуниси менга армон бўляпти. Айтинглар, қандай қилсам отам олдидаги ўша қарзалардан қутуламан», — деб бизга юзланди. Афсуски, унга жўяли маслаҳат беришга ожиз эдик.

Орамизда мол-мулк бандаси бўлган, зебу-зарга ҳаддан ташқари хирс қўйган фарзандлар ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Шундайлар ҳатто ота-она иззат-обрўсини ҳам улар ҳаётлигида йиғиб-терган бўйлик билан ўлмайдилар. Шу илдинжа ота-она атрофида парвона бўладилар. Қариларга ўзларини меҳроқибатли, садоқатли қилиб кўрсатишга уриниб, бу мунофиқликларини ҳатто Оллоҳдан ҳам пинҳон тутмоқчи бўладилар. Шу ўринда уларга бир ҳақиқатни айтиб қўйишга тўғри келади. Шундайлар аниқ билсинларки, ҳеч бир яхши-ёмонлик ҳисоб-китобсиз қолмайди. Бу дунёда яширинча қилиб кетган бирон-бир қин-

фирликнинг ҳам албатта фойи дунёда жавоби муқаррар бўлади. Виждонли ва ўз эътиқодида садоқатли кишилар томонидан тез-тез тилга олинадиган: «Оллоҳдан яширмаганимни бандасидан яшираманми», деган сўзларнинг асл моҳиятида ҳам ана шу мазмун ётади.

Мана бу ҳикоят шундай ноқобил фарзандларга ибрат бўлса ажаб эмас.

Ота ўлими олдида уч пахлавон ўғлини хузурга чорлабди.
— Болаларим, менинг тиригимдан гўрим яқин. Сўнгги васиятим шуки, сизларга атаб бир хумча олтин йиғиб қўйганман. Ичингизда қайси бирингиз довораклик қилиб танам қоронғу гўрга кирган кунни мен билан шу ерда бир кун қолишга журъат этсангиз олтинларим ўшаники бўлади, — дебди.

Ота бандаликни бажо келтирган кунги ўғилларидан ҳеч бири унинг васиятини бажаришга журъат қилолмабди. Охири ўйлаб-ўйлаб бир камбағал ўтинчи чолни ушлаб, хумдаги олтиндан унга улуш бериш шарти билан чолга воқеани баён этишибди. Ночор аҳволда яшаётган бу ғариб уларнинг истагини бажаришга розилик билдирибди.

Гўрга упрок тортилиб, издиҳом узоқлашгач, қоронғу гўрда биринчи бўлиб ўтинчи чол сўроққа тортилибди. Унинг ёрғун дунёдаги қанча гуноҳларидан тортиб, ўтинчи қаредан, қай ҳолда териб олиши ва ҳатто қўлидаги болтасию арқонининг ҳалол, ҳаромлигига-ча сўраб-суриштирилибди.

Эртасига пахлавон ўғиллар келишувга биноан гўрни қавлаб чолни лаҳаддан тортиб олишса у орқасига қарамай «чиб кетаётган эмиш. Ҳайратга тушган йигитлар: «Тўхтаган ота, мана бу хумдаги тиллолардан ўз улушингизни олиб кетинг» дейишиб ҳай-ҳайлашса, чол: «Мен терган ўтиним билан арқонимнинг ҳалол-ҳаромлигини ҳали тириклигимда сўраб-суриштирилган, вақти келиб дунёдан ўтсам, қингир йўл билан топган олтинларим ҳисоби учун қандай жавоб бераман», деган экан.

Изоҳга ҳоҳат йўқ. Қобил фарзанд ота-онага ҳаммаша раҳмат ёддиради. Бебурд ўғил эса ҳар қадамда уларга лаънат келтиради.

Максуд ОРИПОВ

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИНГНИ ОҚЛА

Хаётий воқеа

Муносабат

У СУЮКЛИ, ИФФАТЛИ ЁР

Оила жамиятнинг мўъжаз кўринишидир. У инсон ҳаётига бахт, тўқислик бағишлайди. Агар у соф инсоний туйғулар, муҳаббат, ўзаро тотувликка асосланган бўлса, оилавий ҳаёт ҳам, ундаги муҳит ҳам барқарор бўлади.

Зеро, жамият тараққиёти Аёл — она макъенининг даражаси билан ҳам белгиланади. Аёл — миллатнинг куч-қудрати, ифтихори, яратувчиси. Халқимиз аёлни уйнинг чироғи, миллат келажаги деб беҳиз улуғламайди.

Оиланинг тинч-тотув, мустаҳкамлиги, унда ҳамма ҳавас қилса арзийдиган соғлом муҳитни юзага келтириш, фарзандлар тарбияси кўп жиҳатдан аёлнинг оқлаллигига, ақл-заковати ва фидойилигига боғлиқ. Маънавияти юксак, маърифатли аёл ҳақиқий бой аёлдир. Илмли, сабр-қаноатли аёл ва оналар, ҳар қандай шароитда ҳам боқира, камтар, уйим-жойим дейдиган солиҳа аёллар пешона тери билан топилган ҳар бир нарсанинг қадрига етади. Аёллар маънавият, гўзаллик, нафосат, эзулик таратувчи, оила ва жамиятда тинчлик мезонидирлар.

Биз эркаклар кўпинча Шарқнинг гўзал хулқи аёллари ҳақида эсимиз кетиб гапираемиз, лекин Шарқнинг эрлари қандай бўлганлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Кўнглиларимиз Кумушбоби, Раънохон, Пошшо-хонларни қўсайдию Анвар Мирзо, Отабандлар ўтмишининг қайси асрида қилиб кетган, фикр-мулоҳаза қилиб ўтирмаймиз. Кўпинча «қуруқ ўйлаб ҳам кўрмай, биз эркаклар аёлларга дашном тошларини отамиз. Баъзида ҳаётда учрайдиган айрим камчиликлари аёллар тимсолда кўриб, уларни айбламочки бўламиз. Аёлларимизнинг ўзларига ҳос бўлмаган баъзи ишлар билан шуғулланаётганликларига маълум маънода биз эркаклар ҳам сабабчи эмасмиз-ми?»

Ҳаёт яхши-ёмондан, оқ ва қорадан, умуман бир-бирига қарама-қарши туйғулардан иборат. Яхши ҳаёт деганда эса фақат бой, ўзига тўқ бўлиб яшаш тушунилмайди, албатта. Маънавий бойлик энг катта бойлиқдир.

Бир файласуф «Бизнинг энг катта ютуғимиз ҳам, фожеамиз ҳам унуттиш ва кўниқшидир» — деган эди.

Биз ҳам турмушнинг турли иллатларига аста-секин кўниқиб бораемиз. Ахир аёлларни оғина, заифа деб эски китобларда ҳам кўп ёзишган.

Лекин бугунги кунда хотин-қизларимизни оғина, деб бўлмайди. Улар ҳамма соҳада эркаклар билан тенг, фаол меҳнат қилишмоқда. Жамиятимизда аёллар фаоллиги ошмоқда. Бу билан фахрланишимиз керак, албатта.

Аёл — у она. Аёл — ифбатли ёр. Нима бўлганда ҳам шарқ эркаклари бир сўзи, оилапарвар, аёлларига метиндай муҳофаза ўрнида бўлишлари зарур деб ўйлайман. Уйнинг шарқин эрлари, Аёлларни асрамоқ бизнинг бурчимиз ахир!

Аширбоя РЎЗМЕТОВ



Қадрдонлар учрашганда...

Болаларингизга

қўқиб берингиз

БОЙҚЎЗИ

Менга қара, **Бойқўзи**,
Нима деган гап ўзи?
Мукка тушиб ётибсан,
Не хаёлга ботибсан.

Заминдаги

юлдузлардек,
Қатор кеча-
кундузлардек,
«Кўп пул топсам»

— дермисан?
Ё, эл гамин ермисан?

Дилингда не ният бор?
Тур ўрнингдан:

уят бор!
Уйғонса ер, адирлар,
Қарамас беқадрлар.

Тур ўрнингдан,
дала кез,

Гул эк, дон соч,
ишла тез.

Дадажонинг
десинлар,

— Баракалла,
«маладес».

Турсун МУҲАММАД

КИТИБ ~ ОФТИОБ

- Китоб — мен учун тожу-тахтдан ҳам қиммат.
- Энг аввало яхши китобларни ўқинг. Акс ҳолда уларни ўқишга улгуролмай қоласиз.
- Қиммати фақат янгилигида бўлган китоб иссиқ сомсага ўхшайди. У совихи билан мазасиз бўлиб қолади.
- Ҳамма ўқувчиларни қониқтирадиган асар ёзишнинг сира иложи йўқ.

- Сизни ўйлашга мажбур қиладиган китоблар — энг фойдалидир.
- Кишилар ўқийдиган тўхтаган кунги фикрлашдан ҳам тўхтайдилар.
- Китоблар — энг яқин дўстдир. Ҳаётнинг барча қийин дақиқаларида ҳам уларга мурожаат этиш мумкин. Улар сизни ҳеч қачон ёлғиз қолдирмайди.
- Ўтмиш асрлардаги ёзувчилар билан сўхбатлашиш — саёҳат қилишга тенг.

ДЎСТЛИК ҚУДРАТИ

Касалхонамига машина ҳалокатига учраган ёшгина бир йигитни олиб келишди. Беморнинг аҳволи оғир. У зўр-базўр нафас оларди. Айбдор ҳайдовчи (у ҳам ёш йигит) ўзини қўйгани жой тополмас, йиғлаб навбатчи шифокорларга ялинар, қандай бўлмасин уни омон сақлаб қолиш кераклигини ўқидирди.

нинг ҳар бирининг фикри-зикри Зикриллада (беморнинг оти шундай экан). Уни тезда оёққа туриб кетишди. Бунинг учун дўстлари ҳар ишга тайёр.

Навбатчи шифокор уларга воқеани тушунтирди.

— Қонми, мана мендан олинг.

— Дўстимиз учун нима лозим бўлса муҳайё қиламиз.

— Жонимизни ҳам аямаямиз.

Зикриллани операция хо-

насиға олиб кетишди. Унинг қон гуруҳига тўғри келган дўстлари индамай билакларини нинага тутиб беришди. Тўрт соатлик операция давомида гўё улар жон олиб, жон беришди.

Дўстлик қудрати ўлимни енгди. Операция муваффақиятли ўтди. Ҳамкасбларининг қони Зикриллани ўлимдан қутқариб қолди.

Палатада ҳам беморни дўстлари ёлғизлатиб қўйишмади. Галма-гал навбатчилик

- Китоблар бўлмаса биз ёввойилигимизча қолардик.
- Икки марта ўқишга арзиманган китоб, бир марта ҳам ўқишга арзимайди.
- Яхши китобни ўқиб тугатаётганингда, ўзингиз худди дўстингиздан ажралаётгандек ҳис қиласан.
- Китоблар — замон тўлқинларида кезиб юрувчи ва ўзининг қимматбахо юкини авлоддан авлодга етказувчи фикрлар кemasидир.
- Билим — бойлик, ўқиш эса унинг калитидир.

қилишди. Икки ҳафтада Зикриллада оёққа турди. Ўша кунни дўстлар учун тантанана бўлиб кетди.

Орадан бир ой ўтиб Зикриллада касалхонадан чиқадиган бўлди. Ўша кунни унинг дўстлари қуршовида айбдор ҳайдовчи йигит ҳам гул кўтариб турарди. Зикриллада биз билан хайрлашиб чиқдию ҳамкасблари орасида кўринмай кетди.

Шу воқеани эслаб туриб ўйланиб кетаман. Дўстлар қимматида қўйиб қоламан. Агар мана шу дўстлик қудрати бўлмаганида ёшгина бир инсон бугун орамизда бўлмасди. Шундай вақтларда беихтиёр, нақадар яхшисиз одамлар, дея олмага жар солинг келади.

Сўқибол

**САРҲИСОБ
ВА РЕЖАЛАР**

Миллионлар ўйини — футболни янада оммалаштириш ҳозирги куннинг долзарб талаби эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки келажғимиз ворисларида чарм тўпга меҳрини уйғотмай туриб катталар футболнинг истиқболли ҳақида гапириб ўтириш ортиқча.

Шу боисми айни кунларда мамлакатимизда футболга ихтисослашган 29 та интернат фаолият юритмоқда. Кувонарлиси ушбу спорт масканларида болажонларга ўз касбининг усталари бўлмиш малакали мураббийлар сабоқ беришмоқда.

Куни кеча Фарғона вилояти футбол лицей-интернатига Тошкент шаҳри ҳамда бошқа вилоятларда фаолият юритаётган футбол интернатлари директорларининг ўқув семинари бўлиб ўтди. Барча таълим масканлари раҳбарлари иштирок этган ушбу йиғилишда ўтган йилда қилинган ишлар ҳамда келгуси режалар сарҳисоб қилинди. Футбол оламида юз бераётган янгиликлар ҳақида мутахассисларга маълумот берилди. Анжуман қатнашчилари болалар футболни ривожлантириш истиқболларига йўналтирилган ана шундай тадбирларни мунтазам ўтказишга келишиб олишди.

**ЗАЙНИДДИН
ТОЖИЕВ —
“ОРДАБАСИ”ДА**

Янги футбол мавсуми бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Аммо хали жамоалар мавсумолди машгулотларини ниҳоясига етказишгани йўқ. Шу кунларда трансфер бозори авжида.

“Пахтакор” жамоасининг аъзоси, мохир ҳужумчи Зайниддин Тожиев ушбу мавсумда омадини хориж жамоаларидан бирида синаб қуришни режалаштирган кўринади. Сабаби, бундан бир ой муқаддам Қозғистон клубларида машгулот йиғинларида ҳам Зайниддин иштирок этиб, Тошкентга қайтиб келганди. Куни кеча шахримизда мавсумга жиддий ҳозирлик кўрган Қозғистоннинг “Ордабаси” жамоаси аъзолари ўз мамлакатларига жўнаб кетишди. Қизғин, “Ордабаси” футболчилари орасида собиқ пахтакорчи Зайниддин Тожиев ҳам бор. Унинг майдондаги хатти-ҳаракатлари “Ордабаси” мураббийларига маъқул келган шекилли, Зайниддинга жамоа билан шартнома имзоланиш таклифи қилинган. Биз эса ҳамшаҳримизга омад тилаймиз.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси жамоаси вилоят матбуоти ва матбаачилик тизимига узоқ йиллар раҳбарлик вазифасида меҳнат қилган Шавкат Аббосович Миралимовга волидаи муҳтарамаси **МАҚСУДА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қўл жанги

**ШОГИРДЛАРИ
КАМОЛИНИ КЎРМОҚДА**

«Динамо» спорт-соғломлаштириш мажмуасида самбо, дзюдо, эркин ва юнон-рум курашлари қаторида қўл жанги яккакураш тури ҳам яхши ривожланган.

Бу ерда қўл жанги сирларини ёшларга тажрибали мураббий Асад Уринов ўргатиб келади. Утган вақт ичида Уринов шогирдлари орасидан жаҳон чемпионатлари совриндорлари, нуфузли халқаро мусобақалар голиблари бўлмиш Ҳамиджон Пулатов, Шерзод Қобилов, Рустам Матдиев каби қатор иқтидорли спортчилар етиштиб чиқди.

Ҳозирда қўл жанги секцияси машгулотларида юзга яқин спортчилар шуғулланаётган бўлса, уларнинг аксарият қисмини умидли ўсмирлар ташкил этади. Улар нафақат спорт сирларини ўзлаштирадilar, балки машгулотларда ватанпарварлик, мардлик, жасурлик хислатларини ўзларига сингдирадilar. А.Уриновнинг бугунги шогирдлари орасидан ҳам кўпчилигини республика чемпион-



ТУРНИРГА ТАРАДДУД

12-14 март кунлари пойтахтимизда эркин кураш бўйича Жаҳон кубоги турнири бўлиб ўтади. Унда жаҳон кураш усталари иштирок этади.

Айни кунларда ушбу мусобақага мамлакатимиз курашчилари тренер Владимир Орлов раҳбарлигида қизгин машгулотлар ўтказмоқда. Уларнинг асосий мақсади эса, турнирда голибликни қўлга киритишдир.

СУРАТДА: Турнирролди машгулотлардан лавҳа. Алишер Рисқиев (ЎЗА) олган сурат.

Сўқибол

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

КЕЧА

Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан мунтазам ўтказиб келинаётган Осиё чемпионлар лигаси жорий йилги гуруҳ баҳсларига старт берилди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз шарафини химоя қилаётган етакчи жамоаларимиз “Пахтакор” ва “Нефтчи” дастлабки беллашувлари ғалаба билан бошлашди.

Ўзбекистон чемпиони “Пахтакор” жамоаси биринчи учрашуви сафарда ўтказди. Суриянинг “Ал-Жаиш” жамоаси билан куч синашган ҳамшаҳарларимиз айтиш жоизки, рақиблирдан маҳорат ва тажриба бобида устун эканликларини амалда исботлашди. Пахтакорчиларнинг тўлиқ устунлигида кечган

бахсда рақиблир дарвозасига йўлланган иккита гол жамоамизга 2:0 ҳисобидаги ғалаба келтирди. Ўзбекистонлик мухлисларга қувонч этган тўпларни дарвозага Жепаров ва Суюнов 22,45-дақиқаларда йўллашди.

Шунингдек, “Жар” стадионида Қувайтнинг “Ал-Кувайт” жамоасини қабул қилган Фарғонанинг “Нефтчи” жамоасига ҳам омад кулиб боқди. 52-дақиқада Акмал Холматов томонидан қиритилган тўп фарғоналикларга 1:0 ҳисобидаги ғалабани тухфа этди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Сергеи тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2004 йилда Матлюба Валиева номига берилган № 004998 рақамли савдо қилиш ва ҳисобга олиш гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Электротехника тиббиёт техникуми томонидан Эльмурот Тошматович Худойкулов номига берилган БТ-526184 рақамли, қайд рақами 2764 бўлган диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



лари ва биринчиликлари совриндорлари ташкил этади.

(Ўз мухбиримиз).
СУРАТДА: тажрибали мураббий Асад Уринов (ўнгда) шогирдига навбатдаги усулни ўргатмоқда.
Алексей Попов олган сурат.

Афанди латифчалари

ЖАНЖАЛИ КИЧКИНА БЎЛАДИ

Афанди ёшлигида озғин, кичкинагина қизга уйланибди.
— Мулла Насриддин шу гаьда, шу савлатингиз билан шу кичкинагина қизни олдингизми, — дебди унга дуч келган шаҳар қозиси.

— Қўяверинг, кичкинанинг жанжали ҳам кичкина бўлади, — деб жавоб берибди Афанди.

ЗЎР ХОТИННИНГ ҚЎЛИГА ТУШСА...

Афандининг ўғли жуда шўх, минилмаган асов отдай чиқибди. У текканга тегиб, тегмаганга кесак отар экан. Қўшниси имоннинг ўғли эса кўрқок, товукмижоз бола бўлиб, Афандининг ўғли унга ҳеч кун бермас экан.

Имом Афандига унинг ўғлидан шикоят қилиб: — Ўғлингизнинг живовини тортиб қўйсангиз бўлмайдимки, — деди.

— Қўяверинг, зўр хотиннинг қўлига тушса мулла мингдан отдай бўлиб қолади, — деб жавоб берибди Афанди.

ШУНГА БЕШ ЙИЛ ЎҚИДИММИ?

Афанди санъат институтининг актёрлик шўбасини тамомлаб, театрга ишга келибди.

— Мулла Насриддин, сиз ўғри ролини ўйнайсиз, — дебди унга театрнинг режиссёри.

— Ие! Ишни ўғриликдан бошламанми, — дебди Афанди хайрон бўлиб...

ЖОНИВОР СИЗДАН АРАЗЛАГАН

Афандининг девор-дармиён қўшниси яллачи экан. Айтадиган қўшиқлари енгил-елли, тутуруқсиз, овози ҳам ёқимсиз экан. Шу қўшнисининг сигири сут бермай қўйибди. Қўшниси бундан ташвишга тушиб гаьмгин бўлиб қолибди.

— Ха, ҳоғиз жуда камгап, паршонхол бўлиб қолдингиз, нима гап тинчликми ўзи, — сўрабди Афанди.

— Э, нимасини айтасиз Мулла Насриддин, тарғилим сут бермай қўйди. Шунга чора тополмай овораман. Нима қилсам экан-а?


— Айб ўзингизда қўшнижон, — дебди Афанди.

— Ие! Нега айб менда бўлар экан? — дебди қўшниси.

— Сиз илгари жониворнинг олдида тез-тез хониш қилиб турар эдингиз. Кейинги вақтда тўю томошалар билан овора бўлиб ховлида хониш қилмай қўйдингиз? Шунинг учун жонивор сиздан аразлаган, сигирим сутга кирсин, десангиз ховлида хониш қилиб туринг.

Афанди ўз ҳовлисига кириб девордан қараса яллачи қўшниси қўлига ликобча олиб тарғилнинг қаршида хиргойи қилаётган эмиш.

Туроб АКБАРХЎЖАЕВ тайёрлади.



— Тўққизликка урганликларинг учун қайтиб берайпман, бўлмаса коптоқларингни ёриб ташлар эдим.
Абдуракул Ҳакимов чизган расм.

**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар
оқшомлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ объект усулида босилди.
5000 нусхада босилди. Қотғи биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармоғи.
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.